



“ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК” ТУШУНЧАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ҲАМДА УНИНГ АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ

PhD Абдуллаева Севарахон Ҳасановна
Фарғона политехника институти
ORCID: 0000-0002-8596-2473
sevarikabdullayeva@gmail.com

Аннотация. Мақолада бугунги кундаги долзарб иқтисодий тушунчалардан бири бўлган иқтисодий барқарорлик атамасининг иқтисодчи олимлар томонидан шакллантирилган таърифлари тадқиқ этилган бўлиб, миллий иқтисодиётни барқарор ривожланганигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ёритилган.

Калим сўзлар: барқарорлик, иқтисодий барқарорлик, ижтимоий меъзонлар, иқтисодий меъзонлар, экологик меъзонлар, таркибий кўрсаткичлар, инвестициявий кўрсаткичлар.

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ПОНЯТИЮ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ, А ТАКЖЕ СИСТЕМА ЕЕ ОСНОВНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ

PhD Абдуллаева Севарахон Ҳасановна
Ферганский политехнический институт

Аннотация. В статье исследуются определения, сформулированные экономистами термина “экономическая стабильность”, одного из актуальных экономических понятий сегодняшнего дня, и освещается система показателей, отражающих устойчивое развитие национальной экономики.

Ключевые слова: стабильность, экономическая стабильность, социальные нормы, экономические нормы, экологические нормы, структурные показатели, инвестиционные показатели.

MODERN APPROACHES TO THE CONCEPT OF “ECONOMIC STABILITY”, AND THE SYSTEM OF ITS MAIN INDICATORS

PhD Abdullaeva Sevarakhon Khasanovna
Fergana Polytechnic Institute

Abstract. The article explores the definitions formulated by economists of the term “economic stability”, one of the most relevant economic concepts of today, and highlights the system of indicators reflecting the sustainable development of the national economy.

Keywords: stability, economic stability, social norms, economic norms, environmental norms, structural indicators, investment indicators.

Кириш.

Бутун дунёда содир бўлаётган интеграция ва глобаллашув жараёнлари шароитида иқтисодиёт ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш муаммолари, шунингдек, ушбу ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш жуда мураккаб масалалардан бирига айланмоқда. Маълумки, иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви натижасида иқтисодиёт соҳаларида ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар бозорида рақобат янада ривожланмоқда, бу эса бир вақтнинг ўзида ҳам ривожланишни рағбатлантирувчи, ҳам алоҳида корхоналар фаолиятини мураккаблаштирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш иқтисодиёт йўналишлари ва соҳаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашларни амалга ошириш, юқори технологияга эга бўлган қайта ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этиш, илмий сифими юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган чора-тадбирларни жадаллаштириш натижасида миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига эришилади. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлиги иқтисодий барқарорликга эришиш асосидагина амалга оширилиши мумкин. Чунончи, иқтисодий барқарорлик барча тармоқларда белгиланган ижобий меъзонлар таъминланганлигини ифодалаган ҳолда мамлакатнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаши учун шарт-шароит яратади. Шу боис миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига эътибор берган ҳолда иқтисодий барқарорлик тушунчасини ҳамда уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини тадқиқ этиш муҳимdir.

Адабиётлар шархи.

Инсониятнинг барқарор ривожланиш бўйича тадқиқотлари дастлаб 1960-1970 йилларда мамлакатлараро глобаллашув жараёнлари натижасида глобал муаммоларнинг юзага келиши билан боғлиқдир. Иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш масалалари 1962 йилдан жорий давргача БМТнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади (Абдуллаева, 2024).

Иқтисодий барқарорлик концепцияси ҳамда корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларнинг бир қанча жиҳатлари Беллман, Друкер, Макконнелл, Брю, Каплан, Коупленд, Коллер, Шумпетер, Раян, Ансофф, Куликова, Козлова, Максимова, Горшков каби хориж иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган (Куликова, 2019; Козлова, 2019; Максимова, 2019).

Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини динамик меъёрлар асосида ҳисобкитоб қилиш ва баҳолаш усуллари биринчилардан бўлиб, иқтисодчиолим Сыроежин томонидан амалга оширилган кейинчалик Захарченко, Погостинская, Завгородняя, Жамбекова ва Савинская илмий тадқиқотларида такомиллаштирилган. Хусусан, ушбу иқтисодчи олимлар томонидан ҳар қандай корхона фаолиятини маълум бир иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси билан акс эттириш имкони борлиги, бунда ўзаро уйғунлик ва боғлиқлик корхонанинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши билан ўзгариши мумкинлиги ёрилилган (Кадиров, 2016).

Тадқиқот методологияси.

Мақолада мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гурухлаш, таққослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.

Хозирда “иқтисодий барқарорлик” концепциясининг иқтисодий моҳиятини ёритиб берадиган умумий ёндашувнинг ҳамда ушбу күрсаткични аниқлаш бүйича ягона ҳисоблаш методологиясининг мавжуд эмаслиги уни илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Иқтисодий барқарорлик тушунчасига оид масалаларни илмий ёритишдан аввал “барқарорлик” атамасининг моҳиятини чуқур англаш лозим (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодчи олимлар томонидан “барқарорлик” тушунчасига шакллантирилган таърифлар

Муаллиф	“Барқарорлик” тушунчасининг таърифи
Гапоненко, Панкрухин	Худудий ижтимоий-иқтисодий тизим асосий күрсаткичларининг (параметрларининг) ўзгармаслиги ҳамда ички ва ташқи (ижобий ёки салбий) таъсиrlар натижасида юзага келиши мүмкін бўлган четланишларда ҳам белгиланган меъёрларда сақланиб қолиш қобилиятидир.
Ляпунов	Тизимнинг ташқи муҳит салбий таъсири остида ҳам мувозанат ҳолатига қайта олиши
Сумин	Муҳим ташқи омилларни эътиборга олган ҳолда узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсиш учун зарурй шартшароитларни ва даромадлиликни таъминловчи иқтисодий ресурсларнинг мувозанат ҳолати
Сафин	Турли даражалардаги мувозанатликларнинг умумий йиғинди – индивидуал, ягона ва қисман мувозант
Терехов	Тизимнинг ташқи ва ички таъсиrlар шароитида мувозанатга яқин ҳолатларда ишлаш қобилияти
Сурнин	Ташқи ва ички омиллар таъсири натижасида юзага келган салбий таъсиrlардан кейин ҳам иқтисодий тизимнинг, аввало, жамлаган ўз салоҳияти ҳамда давлатнинг иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлари асосида мувозанатли ҳолатга қайта олиш қобилияти.

Юқоридаги таърифларни умулаштириш асосида бизнингча барқарорлик тушунчасига маълум бир обьектнинг ташқи ва ички омиллар доимий таъсири шароитида мувозанат ҳолатини сақлай олиш қобилияти сифатида таъриф бериш мүмкін. Лекин, барқарорлик тушунчаси мувозанат атамаси билан бир хил мазмунга эга эмас, чунки мувозанат алоҳида ҳолатлар учун хосдир. Барқарорлик эса маълум бир тизимнинг хилма-хиллиги ва унинг мослашувчалигини ифодалайди. Хусусан, барқарорлик умумий тизимнинг ҳолатини ифодалаган ҳолда турли соҳалар асосида ёритилиши мүмкін, яъни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик барқарорлик сифатида.

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчаси дастлаб 1973 ва 1979 йиллардаги нефт ва энергетика соҳасида юз берган инқирозлар сабабли келиб чиққан ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси натижасида шаклланган. Ана шу даврдан бошлаб ушбу иқтисодий атаманинг моҳиятини кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқ этган (2-жадвал).

2-жадвал

Иқтисодчи олимлар томонидан “иқтисодий барқарорлик” тушунчасига шакллантирилган таърифлар

Муаллиф	“Барқарорлик” тушунчасининг таъърифи
Смит, Кейнс	Белгиланган даражадаги фойдани таъминловчи ҳолат
Корчагина	Тизим (корхона, ташкилот, худуд)нинг ишбилармонлик мухитидаги динамик ўзгаришлар шароитида мақсадларга еришишнинг маълум (олдиндан белгиланган) даражасини сақлаб туриш қобилияти
Ковалев	Узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсиш учун рентабеллик ва нормал шароитларни таъминлайдиган иқтисодий ресурсларнинг мувозанатли ҳолати
Загайтов, Половинин	Ички ва ташқи таъсиrlарга қарши туриш, дастлабки мувозанатни сақлаган ҳолда ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитларига мослашиш қобилияти
Павлова	Худуд иқтисодиётини жорий даврда ҳамда истиқболда ташки ва ички омилларнинг салбий таъсири шароитида хавфсиз, самарали фаолиятни таъминловчи кўрсаткичлар динамикаси
Канчавели, Колобов, Омельченко	Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз ривожланишидан ортда қолмаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ташқи ҳамда ички омиллар таъсирида пасайтирмасдан фаолият юритишини ифодаловчи иқтисодий ҳаракат ва ривожланиш жараёнидир.
Бодров, Мальгин, Тимирясов	Белгиланган ва ижобий деб қабул қилинган меъёрлардан салбий оғишдан сўнг хўжалик юритувчи субъектнинг ўз ёки жалб қилинган маблағлари ҳисобидан ҳамда ишлаб чиқаришни тубдан технологик алмаштириш асосида мувозанат ҳолатига қайта олиш қобилияти
Поготинская	Мақсадли кўрсаткичларга мос кела олиш ҳамда яратилган захиралар ва имкониятлар асосида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни зарарсизлантириш қобилияти
Логинов, Курнышева	Инновацион, ташкилий, молия-кредит соҳаларининг умумий хусусиятлари, уларнинг ўзаро биргалиқдаги фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати ва замонавийлиги, худуднинг моддий-техник базаси ва ресурс таъминотининг барқарорлиги, инсон ресурси ва ақлий салоҳиятнинг ҳолати, инновацион бошқарувнинг табиати
Никешин	Ташқи муҳитнинг салбий таъсирини бартараф этиш билан белгиланган даражадаги зарурий кўрсаткичларни максимал узоқ муддат барқарорлигини таъминловчи тизимнинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро оптимал муносабат ва боғлиқлик
Окладский	Ташқи ва ички омиллар таъсири остида юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсиrlар шароитида самарали фаолият юритишини таъминловчи тизимнинг динамик кўрсаткичлари мажмуи

Иқтисодий барқарорлик тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан шакллантирилган турли таърифларни таҳлил қилиш асосида, фикримизча, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий барқарорлигига баҳо беришда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- объектнинг (шу жумладан худуднинг) иқтисодий барқарорлиги унинг иқтисодий мувозанат ҳолатида эканлигини ҳамда ушбу ҳолатни сақлаган ҳолда янги мувозанат ҳолати (ривожланиш)га ўтишини ифодалайди;

- хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий барқарорлиги обектнинг иқтисодий ҳолатини ифодаловчи динамик категория бўлиб, вақт ўтиши билан ушбу ҳолатнинг ўзгаришини ҳамда белгиланган мувозанат қўрсаткичларини қайтадан таъминлай олиш қобилиятини ифодалайди;

- корхонанинг иқтисодий барқарорлик даражаси миқдорий ва сифат қўрсаткичларининг қийматлари билан белгиланади. Бунга кўра корхоналар, тармоқлар ва худудлар иқтисодий барқарорлик бўйича ўз қўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларига эга бўлади.

Фикримизча, “иқтисодий барқарорлик” тушунчаси асосида объект (худуд, хўжалик юритувчи корхона)нинг иқтисодий қўрсаткичларни маълум бир белгиланган меъёрда таъминлаш билан барқарор ривожланишга эришиш, жорий даврда ва истиқболда ташқи ҳамда ички омиллар таъсири якунланганда дастлабки мувозанат ҳолатига қайта олиш ёки янги мувозанатга эришиш каби қобилияtlари тушунилиши лозим. Илмий адабиётларда келтирилган таърифлардан фарқли ўлароқ, иқтисодий барқарорликнинг ушбу таърифи, биринчидан, иқтисодий барқарорлик моҳияттан динамик ҳодиса эканлигини; иккинчидан, иқтисодий барқарорлик корхонанинг асл ҳолатини тиклаш ва янги барқарор ҳолатни таъминлай олиш қобилиятини акс эттиришини; учинчидан эса, объектнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган даражага иқтисодий қўрсаткичларни маълум бир белгиланган меъёrlарда таъминлаш орқали эришилишини ифодалайди.

Ҳозирда худудлар ва умуман мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар каби бутун иқтисодиётнинг таркибий элементлари фаолиятини иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асосида эриши мумкин. Ҳар бир алоҳида хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий барқарор ҳолати нафақат малакатнинг иқтисодий имкониятларини оширишга, балки унинг ривожланиш қобилиятига таъсир қўрсатиб, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида жаҳон бозорларини забт этиш учун имконият яратади. Шунинг учун мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун унинг хўжалик юритувчи корхоналари фаолиятига бевосита эътибор бериш зарур.

Мамлакат фаровонлиги умумий ҳолда ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли иқтисодий барқарорликни баҳолаш мезонларининг учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин.

Хўжалик фаолиятини амалий таҳлил қилинганда маълум бир мезонга асосланган қўрсаткичлар тизими қўлланилади. Шу билан бирга, қўрсаткичларнинг ҳар бири маълум даражада таҳлил қилинадиган жараённинг алоҳида элементини тавсифлаши лозим. Мезон ва қўрсаткичлар тизими бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қўрсаткичлар тизимини танлаш мезонни танлашнинг тўғрилигига боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, танланган қўрсаткичлар тизимининг сифати жараённи таҳлил қилиш учун қабул қилинган мезонни қанчалик етарли даражада тавсифлай олиши билан белгиланади.

Қўрсаткичлар услубий воситалар бўлгани ҳолда эмпирик маълумотлар асосида назарий ёндашувларни асослаш имкониятини яратади. Хусусан, миқдорий ҳамда сиқат қўрсаткичлари ажратилади. Корхонанинг иқтисодий барқарорлигини миқдорий қўрсаткичлар асосида баҳолаш мақсадга мувоқдир, чунки ана шу ҳолдагина уларни маълум бир белгиланган мезонда ушлаб туриш ва оширишга интилиш мумкин.

Ижтимоий мезонлар	Аҳоли соғлигини сақлаш ва яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқилганлиги
	Инклузив иқтисодий ўсишни таъминланганлиги
	Камбағалликни қисқартирилиши
	Демографик барқарорлик ва динамикани таъминланганлиги
Иқтисодий мезонлар	Истъемол хусусиятиниг ўзгарганлиги
	Иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича халқаро интеграциялашув даражаси
	Молиявий механизм ва русурс таъминоти
	Экологик заарсиз ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш
	Ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва кооперация жараёнларининг мавжудлиги
Экологик мезонлар	Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича комплекс ишлаб чиқилган ёндашувнинг мавжудлиги
	Сифатли сув ресурслари таъминоти
	Заиф экотизимларни оқилона бошқариш: қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш
	Сув омборлари ва қирғоқ худудларини муҳофаза қилиш

1-чизма. Иқтисодий барқарорликни баҳолаш мезонлари таркиби

Ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларни иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолашда соҳанинг хусусиятларидан ҳамда фаолият йўналишидан келиб чиқиб кўрсаткичлар тизимини белгилаш лозим.

Ижтимоий кўрсаткичлар тизими	Иқтисодий кўрсаткичлар тизими	Экологик кўрсаткичлар тизими
<ul style="list-style-type: none"> • аҳоли жон бошига ЯИМ улуши; • ўртача умр кўриш давомийлиги; • таълим индекси (сифат кўрсаткичи); • ишсизлик даражаси; • даромад ва жамғариш даражаси; • иш ҳақи, нафақа • аҳолининг миграцияси. 	<ul style="list-style-type: none"> • саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати; • меҳнат сиғими; • меҳнат унумдорлиги; • ресурс сиғими; • ресурслардан самарали фойдаланиш технологияларининг жорий этилганлиги; • тадбиркорлик капиталининг доиравий айланиши. 	<ul style="list-style-type: none"> • атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси; • атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган инвестициялар; • биохилма-хиллик; • иқтисодий жараёнлар таъсир қилмаган худуд майдони.

2-чизма. Иқтисодий барқарорликни баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар, соҳалар кесимида

Иқтисодий-ишлаб чиқариш кўрсаткичлари техник-иқтисодий жараёнларнинг умумий натижаларини акс эттирада, ушбу кўрсаткичлар асосида хўжалик фаолиятининг мавжуд имкониятлари ва унга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидлар аниқланади. Шунингдек, улардан фойдаланган ҳолда худуднинг комплекс хўжалик юритиш соҳаси йўналишига баҳо берилади. Шунга кўра, юқоридаги чизмада ифодаланган иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан ташқари иқтисодий барқарорликни ифодаловчи қуидаги кўрсаткичлар ҳам мавжуд:

Иқтисодий барқарорликнинг **таркибий кўрсаткичлари** мамлакат иқтисодиётини комплекс тузилишини, хусусий ҳолда саноатни, худудларнинг ихтисослашувини ва мавжуд иқтисодий тузилманинг тўғри ташкил этганлигини баҳолайди. Таркибий кўрсаткичлар иқтисодий жараёнларда салбий тенденциялар мавжудлигини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларга саноатда маълум бир корхоналарнинг улуши (тоғ-кон саноати корхоналари, ишлаб чиқариш, енгил саноат корхоналари ва бошқалар), худуд иқтисодиётида: кичик, ўрта ва йирик корхоналар улуши, самарасиз фаолият юритаётган корхоналар улуши кабилар киради.

Инвестициявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъект фаолиятига жалб қилинган инвестицияларни ва уларнинг фаоллик даражасини ҳамда ушбу инвестициялар асосида ишлаб чиқариш жараёнларидағи ижобий ўзгаришларни тавсифлайди. Инвестиция кўрсаткичлари ишлаб чиқаришни камайтириш учун таҳдидларнинг пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларга қуидагилар киради: асосий воситаларга жалб қилинган инвестициялар натижасида ўсиш суръатлари нисбати; иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг улуши; инвестицияларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичлари.

Ишлаб чиқариш секторининг илмий ва технологик ютуқларга мойиллик даражасини акс еттирувчи **илмий-техник салоҳият кўрсаткичлари**. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини белгилайди, илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш тенденцияларини баҳолайди. Хусусан, янгилик даражасига кўра инновацион маҳсулотлар ҳажми, инновацион маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши (%да), олинган патентлар ва сертификатлар сони шулар жумласидандир.

Хулоса ва таклифлар.

Иқтисодий барқарорлик ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятини комплекс ифодалаган ҳолда ташқи ва ички омиллар таъсирида ҳам ривожланиши давом эттириш қобилиятини ифодалайди. Мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланиши таъминлашда иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларни белгиланган меъёр ва мезонларда бўлишини таъминлаш муҳимдир. Юқорида ифодаланган иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ўрганиш асосида давлат иқтисодий тизим ҳолати тўғрисида умумий маълумотга эга бўлади. Натижада мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, халқаро майдонда рақобатбардошликга ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун такрор ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатиш мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

Абдуллаева, С. (2024). "ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ"ДА ESG РЕЙТИНГИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ . Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(8), 215-221. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss8-pp215-221>

Абдуллаева, С. (2024). ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(5), 384-388. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss5-pp384-388>

Кадиров А.М. (2016) САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАРИ “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь.

Козлова Е.П. (2019) Формирование механизма устойчивого развития промышленных предприятий на основе технологической трансформации.: Автореф. дис. канд. экон. наук.-Нижний Новгород, -С.18.

Куликова О.М. (2019) Разработка методов и инструментов оценки уровня экономической стабильности предприятий текстильной и легкой промышленности в условиях инновационной активности.: Автореф. дис. канд. экон. наук.-Санкт-Петербург, -С.14.

Максимова Н.А. (2019) Разработка методов и моделей принятия оптимальных управлеченческих решений для обеспечения организационной устойчивости предприятий текстильной и легкой промышленности на базе совершенствования организации складского хозяйства.: Автореф. дис. канд. экон. наук.-Санкт-Петербург, -С.20.